

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди



Куни кеча 29 сентябрь куни “Гранд Шер” базмлар саройида 1 октябрь ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали байрам тадбири ташкил этилди.

Ушбу ташкил этилган байрам тадбирида барча сектор раҳбарлари, ҳоким ўринbosарлари, туман Халқ таълими бўлими вакиллари, фахрий устозлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда мураббийлар иштирок этдилар.

Тадбир давомида кўп йиллар давомида алоҳида ўрнак, фидойилик кўрсатиб келаётган ўқитувчилар туман Ҳокимлиги, Халқ таълим бўлими ва Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бўлинмалари томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.